

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ТРАНСПОРТ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ  
ИЛМий ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ  
DSc.15/31.08.2022.Т.73.07 РАҚАМЛИ ИЛМий КЕНГАШ**

---

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ТРАНСПОРТ УНИВЕРСИТЕТИ**

**ЖУРАЕВА КАМИЛА КОМИЛОВНА**

**НАЗОРАТ ВА БОШҚАРУВ ТИЗИМЛАРИ УЧУН  
МЕХАНИК КАТТАЛИКЛАРНИ ЎЛЧОВЧИ  
МАГНИТ ЭЛАСТИК ЎЗГАРТИРГИЧЛАР**

**05.01.06 – Ҳисоблаш техникаси ва бошқарув тизимларининг  
элементлари ва қурилмалари**

**ТЕХНИКА ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSc) ДИССЕРТАЦИЯСИ  
АВТОРЕФЕРАТИ**

**Техника фанлари доктори (DSc)  
диссертацияси автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора технических наук (DSc)**

**Contents of the abstract dissertation Doctor of Technical Sciences (DSc)**

**Жураева Камила Комиловна**

Назорат ва бошқарув тизимлари учун механик катталикларни ўлчовчи  
магнит эластик ўзгартиргичлар ..... 3

**Жураева Камила Комиловна**

Магнитоупругие преобразователи механических величин для систем  
контроля и управления ..... 29

**Jurayeva Kamila Komilovna**

Magnetoelastic transducers for measuring mechanical quantities for monitoring  
and control systems ..... 55

**Эълон қилинган ишлар рўйхати**

Список опубликованных работ  
List of published works ..... 60

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ТРАНСПОРТ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ  
ИЛМий ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ  
DSc.15/31.08.2022.Т.73.07 РАҚАМЛИ ИЛМий КЕНГАШ**

---

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ТРАНСПОРТ УНИВЕРСИТЕТИ**

**ЖУРАЕВА КАМИЛА КОМИЛОВНА**

**НАЗОРАТ ВА БОШҚАРУВ ТИЗИМЛАРИ УЧУН МЕХАНИК  
КАТТАЛИКЛАРНИ ЎЛЧОВЧИ МАГНИТ ЭЛАСТИК  
ЎЗГАРТИРГИЧЛАР**

**05.01.06 – Ҳисоблаш техникаси ва бошқарув тизимларининг  
элементлари ва қурилмалари**

**ТЕХНИКА ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSc) ДИССЕРТАЦИЯСИ  
АВТОРЕФЕРАТИ**

**Фан доктори (DSc) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2022.3.DSc/T542 рақами билан рўйхатга олинган.**

Докторлик диссертацияси Тошкент давлат транспорт университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз тилида (резюме)) Илмий кенгашнинг веб-саҳифасида ([www.tstu.uz](http://www.tstu.uz)) ва «ZiyoNet» ахборот таълим порталида ([www.ziyo.net](http://www.ziyo.net)) жойлаштирилган.

**Илмий маслаҳатчи:**

**Амиров Султон Файзуллаевич**  
техника фанлари доктори, профессор

**Расмий оппонентлар:**

**Плахтиев Анатолий Михайлович**  
техника фанлари доктори, профессор

**Мамаджанов Алишер Мамаджанович**  
техника фанлари доктори, профессор

**Жумаев Одил Абдужалилович**  
техника фанлари доктори, профессор

**Етакчи ташкилот:**

**Муҳаммад ал-Хоразмий номидаги  
Тошкент ахборот технологиялари  
университети**

Диссертация химояси Тошкент давлат транспорт университети ҳузуридаги DSc.15/31.08.2022.T.73.07 рақамли Илмий кенгашнинг 2025 йил «31» май соат 10<sup>00</sup> даги мажлисида бўлиб ўтади. Манзил: 100167, Тошкент ш., Темирийўлчилар кўчаси, 1-уй. Тел.: (+99871) 299-00-01; факс: (+99871) 293-57-54; e-mail: [rektorat@tstu.uz](mailto:rektorat@tstu.uz).

Диссертацияси билан Тошкент давлат транспорт университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (251 рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 100167, Тошкент ш., Темирийўлчилар кўчаси, 1-уй. Тел.: (+99871) 299-05-66.

Диссертация автореферати 2025 йил «20» майда тарқатилди.  
(2025 йил «7» майдаги №031 рақамли реестр баённомаси).

**Р.В. Рахимов**

Илмий даражалар берувчи  
Илмий кенгаш раиси, т.ф.д., профессор

**Я.О. Рузметов**

Илмий даражалар берувчи  
Илмий кенгаш илмий котиби, т.ф.д., профессор

**Р.М. Мирсаатов**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш  
қошидаги илмий семинар раиси, т.ф.д., профессор

## Кириш (докторлик (DSc) диссертацияси аннотацияси)

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати.** Жаҳонда машинасозлик, кимё саноати, қишлоқ хўжалиги ва транспорт соҳаларига замонавий автоматик назорат ва бошқарув тизимларини жорий этиш орқали технологик ва ишлаб чиқариш жараёнларини жадаллаштириш муҳим аҳамият касб этмоқда. Ушбу йўналишда бошқарув тизимларининг элементлари ва қурилмаларини, хусусан ишончли ўлчов ахборотини олишни таъминлаб берадиган механик катталикларни (куч, айлантирувчи момент, силжиш, тезлик ва тезлашиш ҳамда вибрация параметрлари) ўлчаш ўзгартиргичларини ишлаб чиқишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бу борада автоматик бошқарув учун механик катталиклар ўзгартиргичларини ишлаб чиқиш ҳамда ушбу ўзгартиргичлардан юқори аниқликдаги маълумотлар олиш имконини берадиган усулларни такомиллаштириш долзарб аҳамиятга эга.

Жаҳонда бошқарув тизимларини такомиллаштириш ва ушбу тизимлар учун мўлжалланган назорат қилинаётган объектларнинг куч, айлантирувчи момент ҳамда ҳаракатланиш параметрларини электр сигналларга ўзгартирадиган ўлчов ўзгартиргичларини такомиллаштириш бўйича илмий тадқиқотлар олиб борилмоқда. Шунга боғлиқ ҳолда ўзгартиргичларнинг янги конструкцияларини ишлаб чиқиш, экстремал шароитларда иккиламчи занжирларнинг ишончилиги ва барқарорлигини оширадиган ҳамда юқори сезгирликка ва ўзгартириш тавсифларининг чизиқлигига эга асосий электр ва магнит параметрларини тадқиқ этиш учун бундай ўзгартиргичларнинг схематик ва аналитик ифодаларини ишлаб чиқиш муҳим масалалардан бири ҳисобланади.

Республикамызда транспортнинг турли тармоқларини, жумладан темир йўл транспорти инфратузилмасини ривожлантириш, юқори тезликдаги ҳаракатланувчи таркиб учун участкаларни кенгайтириш, мавжуд темир йўл участкаларини электрлаштириш ва электрлаштирилган участкаларнинг ўтказувчанлик қобилятини ошириш бўйича чора-табдирлар амалга оширилмоқда. 2022-2026 йилларга мўлжалланган янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясида бир қанча муҳим вазифалар белгиланган, хусусан “...миллий иқтисодиётни жадал ривожлантириш ва юқори ўсиш суръатларини таъминлаш, ... бино ва иншоотларнинг энергия самарадорлигини ошириш, ... тизимли муаммоларни олимлар, экспертлар уюшмаси ва жамоатчилик вакиллари билан биргаликда муҳокама қилиш ҳамда уларни бартараф этиш бўйича аниқ таклифлар ишлаб чиқиш, ... транспорт бозори ва инфратузилмасини ривожлантириш, ... темир йўл инфратузилмасини электрлаштириш даражасини 60% га ошириш, ... энергетика ва транспорт соҳаларидаги муносабатларни ривожлантиришга қаратилган ҳамкорлик шакллари қўллаб-қувватлаш”<sup>1</sup> вазифалари белгилаб берилган. Ушбу вазифаларни амалга ошириш, жумладан кенг функционал имкониятларга, юқори сезгирликка, ишончилиқка ва чизиқли ўзгартириш тавсифларининг эга

---

<sup>1</sup>Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги “2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида”ги ПФ-60-сонли Фармони

бўлган механик катталикларнинг янги магнит эластик ўзгартиргичларини ишлаб чиқиш муҳим вазифалардан бири ҳисобланади.

Мазкур диссертация тадқиқоти Ўзбекистон Республикасининг 1999 йил 15 апрелдаги “Темир йўл транспорти тўғрисида”ги 766-сон Қонуни, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги “2022-2026 йилларга мўлжалланган янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида”ги ПФ-60-сон Фармони, 2023 йил 16 февралдаги “2023 йилда қайта тикланувчи энергия манбаларини ва энергия тежовчи технологияларни жорий этишни жадаллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” ги ПҚ-57-сон Қарори ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялар ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги.** Мазкур тадқиқот Ўзбекистон Республикаси фан ва технологиялар ривожланишининг – II. “Энергетика, энергия ва ресурстежамкорлик” устувор йўналиши доирасида бажарилган.

**Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий тадқиқотлар шарҳи.** Механик катталикларнинг магнит эластик ўзгартиргичлари назариясини ривожлантириш, лойиҳалаш ва ишлаб чиқиш билан боғлиқ долзарб вазифаларни ҳал этишга йўналтирилган илмий тадқиқотлар дунёнинг етакчи илмий марказлари ва олий таълим муассасаларида, жумладан University of Michigan ва General Electric, Bergen Laboratories Ins. (АҚШ), Technical University of Ilmenau ва Siemens, Siemens ind Halke (Германия), Davy and United Instrumets (Буюк Британия), Sony ва Tokyo technology institute, Toshiba (Япония), ASEA (Швеция), Kelk Electronics (Канада), Technical Laboratories “TECH LAB” (Қатар), НАWK (Буюк Британия), Уфа фан ва технологиялар университети, «Геотехника» илмий-ишлаб чиқариш уюшмаси (Россия), Киев автоматика институти (Украина), Тошкент давлат техник университети, «Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш институти» Миллий тадқиқот университети ҳамда Тошкент давлат транспорт университети (Ўзбекистон) олиб борилмоқда.

Жаҳонда магнит эластик ўзгартиргичлар назариясини ривожлантириш ва конструкция ҳамда схемаларини такомиллаштириш бўйича олиб борилаётган тадқиқотлар натижасида бир қатор илмий натижаларга эришилган, хусусан магнит эластик эффектнинг назарий асослари ишлаб чиқилган (Россия, АҚШ), сикўвчи, чўзўвчи кучлар, буровчи момент, силжиш, тезлик ва тезланиш ҳамда вибрация параметрларини ўлчашга мўлжалланган бир қатор магнит эластик ўзгартиргичларнинг янги конструкциялари таклиф этилган (Германия, Франция, АҚШ, Швеция, Япония, Россия).

Жаҳонда магнит эластик ўзгартиргичлар назариясини ривожлантириш ва конструкцияларини такомиллаштириш мақсадида уларни таҳлил қилишнинг янги самарали усулларини ишлаб чиқиш, функционал имкониятлари кенгайтирилган, сезгирлиги ва аниқлиги юқори ҳамда чизикли ўзгартириш функциясига эга бўлган конструкцияларини яратиш каби устивор йўналишларда илмий тадқиқот ишлари олиб борилмоқда.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Механик катталикларнинг магнит эластик ўзгартиргичларини такомиллаштиришга оид илмий муаммоларни ҳал этишга А. Lotze, Р. Kauert, С. Enke, L. Walther, Т. Barthon, R. Ionedes, Ф.В. Майоров, М.Н. Гуманюк, В.Б. Гинзбург, Г.И. Шевченко, В.М. Панченко, Б.В. Загорюкин, М.И. Столбун, М.Ф. Зарипов, Н.Е. Конюхов, М.А. Ураксеев, Р.К. Азимов, А.М. Мамаджанов, А.М. Плахтиев, Л.Х. Зайнутдинова, И.Х. Сиддиқов, С.Ф. Амиров, О.В. Тарханов, М.С. Бахарев, А.В. Капцов, А.В. Мостовой, В.В. Проботюк ва бошқалар ўз ҳиссаларини қўшган. Ушбу олимларнинг саъй-ҳаракатлари билан механик катталикларнинг магнит эластик ўзгартиргичларини лойиҳалаш ва ҳисоблашнинг назарий асослари ишлаб чиқилган ва ривожлантирилган, мазкур ўзгартиргичларнинг оригинал конструкциялари ва схема ечимлари таклиф этилган ва татбиқ қилинган.

Шу билан бирга, турли объектларни назорат қилиш ва бошқариш тизимлари учун мўлжалланган сиқувчи, чўзувчи ва маҳаллий кучлар ҳамда силжиш, тезлик, тезлашишлар, шу жумладан ҳаракатланишнинг вибрация параметрларини ўлчовчи кенг функционал имкониятларга, юқори сезгирлик, ишончлилик, чизиқли ўзгартириш тавсифларига эга бўлган магнит эластик ўзгартиргичларини ва ушбу ўзгартиргичларнинг таъминот манбаларини яратишга, шунингдек чекланган узунликдаги тақсимланган магнитловчи чулғамларга эга бўлган ҳамда магнит эластик материаллар магнит тавсифларининг тегишли параметрларига таъсир этувчи механик кучланишларни ҳисобга олган ҳолда магнит эластик ўзгартиргичларни дастлабки конструкциялаш назарияси ва усулларини ривожлантиришга етарли даражада эътибор қаратилмаган.

**Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасаси илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.** Диссертация тадқиқоти Тошкент давлат темир йўл университетининг “Темир йўл транспорти учун электромагнит ва электр ўлчаш қурилмаларини такомиллаштириш” (2018-2024) 3-сон илмий-тадқиқот ишлари режаси доирасида бажарилган.

**Тадқиқот мақсади** назорат ва бошқарув тизимлари учун механик катталикларни ўлчовчи магнит эластик ўзгартиргичлар назарияси ва дастлабки конструкциялаш усулларини янада ривожлантириш ҳамда уларнинг янги конструкцияларини ишлаб чиқишдан иборат.

**Тадқиқот вазифалари:**

замонавий босқичда механик катталиклар ўзгартиргичларини ўрганиш ва назорат ҳамда бошқарув тизимлари томонидан уларга қўйиладиган асосий талабларни шакллантириш;

мавжуд механик катталиклар ўзгартиргичлари асосий тавсифларининг қиёсий таҳлилини ўтказиш, назорат ва бошқарув тизимлари учун ўзгартиргич турини танлаш ва асослаш;

механик катталикларнинг магнит эластик ўзгартиргичлари дастлабки конструкциялаш усулларини ривожлантириш;

механик катталикларнинг магнит эластик ўзгартиргичларини яратишнинг умумий тамойилларини ишлаб чиқиш;

чекланган узунликдаги тақсимланган қўзғатиш чулғамларига эга бўлган ва механик кучланишларни магнит эластик материаллар магнит тавсифларининг тегишли параметрларига таъсирини инобатга олган ҳолда магнит эластик ўзгартиргичларнинг математик моделларини ишлаб чиқиш;

яхшиланган ахборот-энергетик кўрсаткичларига эга бўлган механик катталикларни ўлчовчи янги магнит эластик ўзгартиргичлар ва улар учун таъминот манбаларини ишлаб чиқиш;

ишлаб чиқилган механик катталиклар магнит эластик ўзгартиргичларининг асосий техник тавсифларини тадқиқ этиш.

**Тадқиқот объекти** сифатида кенг функционал имкониятларга, юқори сезгирлик, ишончлилик ва чизикли ўзгартириш тавсифларига эга бўлган механик катталикларнинг магнит эластик ўзгартиргичлари олинган.

**Тадқиқот предмети** механик катталикларнинг магнит эластик ўзгартиргичларидаги электромагнит жараёнларни тадқиқ этиш ва ушбу ўзгартиргичларнинг кенг функционал имкониятларга, юқори сезгирлик, ишончлилик ва чизикли ўзгартириш тавсифларига эга бўлган янги конструкцияларини ишлаб чиқишни ташкил этади.

**Тадқиқот усуллари.** Тадқиқот жараёнида йиғиқ ва тарқоқ параметрларга эга электр ва магнит занжирлар назарияси, электромагнит майдон ва хатоликлар назариялари, техник ижодиётнинг энергия-ахборот ва морфологик усуллари, параметрик структура схемалари усули ҳамда тажриба усулларидан фойдаланилган.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** қуйидагилардан иборат:

механик катталикларнинг магнит эластик ўзгартиргичларини морфологик таҳлил ва синтез қилиш босқичида синтезланаётган вариантлар сонини кўпайтириш ва талаб этилаётган тавсифларга эга ўзгартиргичларни танлаш имконини берадиган дастлабки конструкциялашнинг энергия-ахборот ва морфологик усуллари ривожлантирилган;

механик катталиклар магнит эластик ўзгартиргичлари структуравий тузилишларининг барча вариантларини ўз ичига олиш имкониятини берадиган турли физик табиатга эга занжирлар ўртасидаги боғлиқлик топограммаси кўринишидаги бундай ўзгартиргичларни куришнинг умумий тамойили ишлаб чиқилган;

кенг функционал имкониятларга, юқори сезгирлик, ишончлилик ва чизикли ўзгартириш тавсифларига эга бўлган механик катталиклар магнит эластик ўзгартиргичларининг янги конструкциялари, шу жумладан маҳаллий кучлар, бурчак тезликлари ва тезлашишларини ўлчаш имконини берадиган илк магнит эластик ўзгартиргичлар ишлаб чиқилган;

барқарорлаштирилган тўғриланган кучланиши таркибидаги юқори гармоникалар улушини камайтириш орқали механик катталиклар магнит эластик ўзгартиргичлари учун кучланишининг сифати юқори бўлган энергия таъминоти манбаларининг янги схемалари ишлаб чиқилган;

бир вақтнинг ўзида магнит эластик ўзаклар магнит қаршиликлари ва ўзаклар ўртасидаги магнит сиғимлари тарқоқ табиатини, шунингдек чекланган узунликдаги бўйлама ва кўндаланг қўзғатиш чулғамларининг

тақсимланганлигини инобатга олган ҳолда механик катталиклар магнит эластик ўзгартиргичларини таҳлил қилиш методикаси ишлаб чиқилган;

электр ва магнит занжирларининг тақсимланганлиги ва магнит эластик материаллар магнит тавсифларининг параметрларига таъсир этувчи механик кучланишларни ҳисобга олган ҳолда магнит эластик ўзгартиргичларнинг математик моделлари ишлаб чиқилган.

**Тадқиқотнинг амалий натижалари** қуйидагилардан иборат:

яхшиланган техник тавсифларга эга механик катталиклар магнит эластик ўзгартиргичларининг янги конструкцияларини ишлаб чиқиш учун умумлашган усуллар аниқланди ва морфологик матрицалар тузилган;

магнит эластик материалларга механик кучланишларнинг таъсирини инобатга олган ҳолда уларнинг асосий магнитланиш эгри чизиғи ва гистерезис ҳалқасининг математик моделлари ишлаб чиқилган;

сиқувчи маҳаллий кучлар, чўзувчи кучлар ва бурчак силжишлари, тезлик ва тезлашишларни ўлчашга мўлжалланган кенг функционал имкониятларга, юқори сезгирлик ва ишончлилика эга бўлган магнит эластик ўзгартиргич қурилмалари ишлаб чиқилган;

тўғриланган кучланишни юқори сифатда барқарорлаштирадиган магнит эластик ўзгартиргичлар учун таъминот манбаи қурилмаси ишлаб чиқилди.

**Тадқиқот натижаларининг ишончилиги.** Тадқиқотнинг ишончилиги механик катталикларнинг магнит эластик ўзгартиргичларини ҳисоблашда электр ва магнит занжирлар ҳамда электромагнит майдон назарияларига асосланган усулларнинг асосли равишда қўлланилганлиги, шунингдек назарий ва тажриба натижалари ва уларнинг ўзаро мувофиқлиги билан изоҳланади.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.**

Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти бир вақтнинг ўзида электр магнит занжир параметрларининг тақсимланганлигини, механик кучланишларнинг магнит эластик материаллар магнит тавсифлари параметрларига таъсирини ва магнит эластик ўзаклар магнит қаршиликлари, улар орасидаги магнит сиғимларнинг тақсимланганлик табиатини ҳамда чекланган узунликдаги бўйлама ва кўндаланг қўзғатиш чулғамларининг тақсимланганлигини инобатга олган ҳолда механик катталиклар магнит эластик ўзгартиргичлари математик моделларининг ишлаб чиқилганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти шундаки механик катталиклар магнит эластик ўзгартиргичларини дастлабки конструкциялашнинг энергия-ахборот ва морфологик усуллари, аниқланган умумлашган усуллар ҳамда тузилган морфологик матрицалар яхшиланган техник тавсифларга эга бўлган механик катталиклар магнит эластик ўзгартиргичларини ишлаб чиқиш имконини бериши билан изоҳланади.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** Механик катталиклар магнит эластик ўзгартиргичларини ишлаб чиқиш бўйича олинган натижалар асосида:

сиқувчи кучларнинг магнит эластик ўзгартиргичи қурилмаси учун Ўзбекистон Республикаси Интеллектуал мулк агентлиги томонидан ихтирога

патент (№IAP 06441, 2021 й.) олинган. Натижада, маҳаллий кучларни юқори сезгирлик ва аниқлик билан ўлчаш имконияти пайдо бўлган;

ўзгармас кучланиш манбаи қурилмаси учун Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳузуридаги Интеллектуал мулк маркази томонидан ихтирога патент (№IAP 07237, 2023 й.) олинган. Натижада, магнит эластик ўзгартиргичларни сифати юқори бўлган барқарорлаштирилган ўзгармас кучланиш манбаидан таъминлаш имконияти пайдо бўлган;

уч фазали кучланиш стабилизатори қурилмаси учун Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳузуридаги Интеллектуал мулк маркази томонидан ихтирога патент (№IAP 07490, 2023 й.) олинган. Натижада, магнит эластик ўзгартиргичларни юқори гармоникаларининг улуши камайтирилган барқарорлаштирилган ўзгарувчан кучланиш манбаидан таъминлаш имконияти пайдо бўлган;

чўзувчи кучларнинг магнит эластик ўзгартиргичи қурилмаси учун Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳузуридаги Интеллектуал мулк маркази томонидан ихтирога патент (№IAP 7715, 2024 й.) олинган. Натижада, чўзувчи кучларни юқори аниқликда ўлчашга мўлжалланган қурилмани яратиш имконияти пайдо бўлган;

вибрация параметрларини ўлчашга мўлжалланган магнит эластик ўзгартиргич қурилмаси учун Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳузуридаги Интеллектуал мулк маркази томонидан ихтирога патент (№IAP 7870, 2024 й.) олинган. Натижада, вибрация параметрларини иккита ўзаро перпендикуляр ўқлар бўйлаб ўлчаш ҳамда иккита алоҳида мустақил ўлчаш чулғамларидан чиқиш сигналларини олиш имконияти пайдо бўлган;

айланиш параметрларининг магнит эластик ўзгартиргичи қурилмаси учун Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳузуридаги Интеллектуал мулк маркази томонидан ихтирога патент (№IAP 7878, 2024 й.) олинган. Натижада, бурчак силжишлари, тезлик ва тезлашишни ўлчашга мўлжалланган қурилмани яратиш имкони пайдо бўлган.

Функционал имкониятлари кенгайтирилган, сезгирлиги ва экстремал иш шароитларида ишончилиги юқори бўлган янги магнит эластик куч ўзгартиргичининг қурилмаси “Ўзбекистон темир йўллари” АЖ “Темирйўлинфратузилма” АЖ “Локомотивларни ишлатиш” бошқармасига қарашли “Ўзбекистон” депосида электровозлар ток қабул қилгичларини диагностикалаш ва техник ҳолатини назорат қилиш ишлаб чиқариш жараёнига қўлланилган (Ўзбекистон Республикаси Транспорт вазирлигининг 2025 йил 10 апрелдаги 4/Е503- сон маълумотномаси). Натижада, электровозлар ток қабул қилгичларини диагностикалаш ва техник ҳолатини назорат қилиш аниқлигини ошириш ҳисобига контакт осмаси контакт симларининг хизмат муддатини ошириш ҳамда уларни ишдан чиқишини олдини олишга эришилган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Тадқиқот натижалари 25 та илмий-амалий анжуманларда, жумладан 22 та халқаро ва 3 та республика анжуманларида муҳокама қилинган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги.** Диссертация мавзуси бўйича жами 61 та илмий иш чоп этилган бўлиб, жумладан 1 та монография,

23 та мақола Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижалари чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда (шулардан 7 таси хорижий ва 16 таси республика даврий илмий журналларда), шунингдек 12 та мақола Scopus маълумотлар базасига киритилган журналларда ҳамда 2 та мақола бошқа хорижий журналларда чоп этилган. Шу билан бирга, ихтиро учун Ўзбекистон Республикасининг 6 та патенти ва ЭҲМ дастури учун 5 та Гувохнома олинган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация кириш, бешта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертация ҳажми 197 бетни ташкил этади.

## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

**Кириш** қисмида диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати, тадқиқотнинг республика фан ва техника ривожланиши устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, муаммонинг ўрганилганлик даражаси баён қилинган, диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасаси илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги изоҳланган, тадқиқот мақсади ва вазифалари шакллантирилган; тадқиқот объекти ва предмети ҳамда тадқиқотда фойдаланилган усуллар ифодаланган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг ишончлилиги асосланган; назарий ва амалий аҳамияти очиб берилган; диссертация тадқиқоти натижаларининг ишлаб чиқаришга жорий қилиниши кўрсатилган; чоп этилган илмий ишлар, диссертация тузилиши ва ҳажми бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг **“Муаммонинг ҳолати ва тадқиқот вазифаларининг қўйилиши”** номли биринчи бобда ўлчаш элементлари сифатида механик катталиклар (куч, айлантирувчи момент, силжиш, тезлик ва тезланиш ҳамда вибрация параметрлари) ўзгартиргичлари қўлланиладиган машинасозлик, кимё саноати ва транспорт соҳаларидаги объектлар ва технологик жараёнларни назорат қилиш ва бошқариш автоматик тизимлари схемалари ўрганилган ҳамда ушбу ўзгартиргичларга қўйиладиган асосий талаблар аниқланган. Шунингдек, назорат ва бошқарув тизимларида қўлланиладиган механик катталиклар ўзгартиргичлари кенг функционал имкониятларга (битта ўзгартиргич билан бир қанча механик катталикларни, маҳаллий кучларни ўлчаш, механик катталикларни бир қанча ўқлар бўйича ўлчаш ва ҳ.к.), катта чиқиш қувватига, юқори сезгирликка, аниқликка, чизиқли статик тавсифга, юқори ишончлилик ва оғир эксплуатация шароитларида барқарор метрологик тавсифга эга бўлиши зарурлиги аниқланган.

Мавжуд механик катталиклар ўзгартиргичларининг асосий тавсифларини қиёсий таҳлили натижасида юқори чиқиш қувватига, ўта юкланиш қобилиятига, экстремал шароитларда ишлашда юқори ишончлиликка ва тавсифларининг барқарорлигига, куч, айлантирувчи момент, тезланиш ва вибрация параметрларини ўлчашда кўзгалувчан қисмининг йўқлиги каби афзалликларга эга бўлган магнит эластик ўзгартиргичлар (МЭЎ) бошқарув тизимлари томонидан қўйиладиган талабларга тўлиқ жавоб бериши аниқланди.

Шу билан бирга, мавжуд механик катталиклар МЭЎ (МКМЭЎ) чекланган функционал имкониятларга эга эканлиги аниқланди: битта МЭЎ ёрдамида бир қанча механик катталикларни (масалан, силжиш, ушбу силжишнинг тезлиги ва тезланишини) ўлчаш, маҳаллий кучларни ҳамда битта механик катталиқни (масалан, вибрация параметрини) бир қанча ўзаро перпендикуляр ўқлар бўйлаб ўлчаш имконияти мавжуд эмас. Бундан ташқари, мавжуд МЭЎлар нисбатан паст сезгирликка ва ўлчаш аниқлигига эга. МЭЎларнинг нисбатан паст аниқликка эгаллиги сабабларидан бири уларнинг таъминот манбалари қониқарсиз чиқиш тавсифларига эга эканлиги ҳисобланади, яъни таъминловчи кучланиш таркибидаги ўзгармас ва ўзгарувчан кучланиш манбаларида МЭЎларнинг кўшимча хатоликларига сабаб бўладиган юқори гармоник ташкил этувчиларнинг улуши нисбатан катта.

Кейинги тадқиқотлар назорат ва бошқарув тизимлари учун талаб этиладиган тавсифларга эга янги МКМЭЎларни ишлаб чиқишга қаратилиши лозимлиги аниқланди, бунда дастлабки конструкциялаш усуллари жалб этиш, уларнинг умумий тамойилларини ишлаб чиқиш, МЭЎларнинг асосий техник тавсифларини тўлиқ тадқиқ этиш учун эса ушбу ўзгартиргичларнинг назарияларини ривожлантириш, хусусан бир вақтнинг ўзида магнит эластик ўзаклар магнит қаршилиқлари, ўзаклар ўртасидаги магнит сиғимларнинг тарқоқ табиатини, шунингдек чекланган узунликдаги бўйлама ва кўндаланг қўзғатиш чулғамларининг тарқоқлигини инобатга олган ҳолда МЭЎларни таҳлил этиш методикасини ишлаб чиқиш ҳамда тақсимланган параметрлар ва механик кучланишларнинг магнит эластик материаллар магнит тавсифларига таъсирини ҳисобга оладиган математик моделларини ишлаб чиқиш зарур.

Адабиёт манбалари таҳлили натижаларидан келиб чиққан ҳолда ва белгиланган мақсадга мувофиқ тадқиқотнинг асосий вазифалари шакллантирилди.

**“Механик катталиклар магнит эластик ўзгартиргичларини дастлабки конструкциялаш ва қуриш тамойиллари”** номли иккинчи бобда техник ижодиётнинг энергия-ахборот ва морфологик усуллари ривожлантирилди, МКМЭЎларни қуришнинг умумий тамойиллари ва янги конструкциялари ишлаб чиқилди.

МКМЭЎларни энергия-ахборот усули ёрдамида дастлабки конструкциялашда ўзгартиргичларнинг морфологик таҳлил ва синтез босқичини параметрик структура схемаси (ПСС) ҳамда ҳар бир физик-техник эффект (ФТЭ) бўйича морфологик таҳлил ва синтезнинг алоҳида кичик босқичларига ажратиш синтезланаётган вариантлар сонини ошириш ҳамда назорат ва бошқарув тизимлари учун талаб этиладиган тавсифларга эга МКМЭЎларни танлаш имконини бериши кўрсатилган. Бунда ҳар бир элементар ўзгартиргич бўйича морфологик матрицаларнинг маълумотлар базасидан фойдаланган ҳолда МКМЭЎ нинг ПСС кўринишидаги физик тамойилини ҳосил қилишнинг биринчи босқичида тўлиқ ўзгартиргичнинг физик ишлаш тамойилига оид энг мақбул вариантларини топади, яъни танланган ПСС бўйича морфологик синтез ўтказилади. Синтезнинг бу босқичида МКМЭЎнинг танланган ПССда иштирок этган ФТЭ ёки параметр морфологик

белгилар сифатида намоён бўлади ва ҳар бир ММ белгисининг қиймати сифатида ФТЭ нинг қўлланилиш варианты ёки алоҳида техник тавсиф бўйича энг мақбул параметр, масалан, сезгирлик, хатолик, ишончлилик ва ҳ.к. олинади.

МКМЭЎларни турли физик табиатга эга занжирлар ўртасидаги боғлиқликлар топограммаси кўринишида қуришнинг умумий тамойиллари ишлаб чиқилган бўлиб, улар ушбу ўзгартиргичларнинг структуравий кўринишига оид барча турдаги вариантларини бирлаштириш имконини беради. Бунда топограммадаги битта физик табиатга эга занжирлар катталикларининг ўзаро таъсири ушбу занжирнинг мос параметрлари ҳамда дифференциаллаш ва интеграллаш операторлари орқали амалга оширилади, турли физик табиатга эга бўлган занжирлар катталикларининг ўзаро таъсири эса ушбу занжирлар ўртасида ФТЭ нинг мавжудлигида акс этади. Тузилган топограмма таҳлили натижасида турли физик табиатга эга занжирлар орасида ФТЭ қанча кўп бўлса, МКМЭЎларни структура схемалари кўринишида қуриш вариантлари шунча хилма-хил бўлиши аниқланди. Масалан, топограммада турли физик табиатга эга занжирлар ўртасидаги боғлиқлик топограммасининг қўлланилиши механик бурчак тезлиги ва механик кучланиш ўртасидаги ФТЭ МЭЎларни илк бор бурчак тезлиги ва бурчак тезланишини ўлчаш учун синтезлаш имконини берди.


Техник ижодиётнинг такомиллаштирилган усуллари ва МКМЭЎларни турли физик табиатга эга занжирлар орасидаги топограмма боғлиқлиги кўринишида қуришнинг умумий тамойиллари ёрдамида сиқувчи ва чўзувчи кучлар, бурчак силжишлари, тезлик, тезланиш ва вибрация параметрларини ўлжашга мўлжалланган МЭЎларнинг янги конструкциялари, шунингдек, ушбу МЭЎлар учун ўзгармас ва ўзгарувчан кучланиш манбаларининг янги схемалари ишлаб чиқилди.

Сиқувчи куч МЭЎда (1- расм) ҳалқали магнит ўтказгичларнинг битта горизонтал текисликда жойлашганлиги, ўзак ўқи бўйлаб жойлашган ва ўзак


ҳамда магнит ўтказгичларни алоҳида ҳалқали секторларга ажратиб турадиган икки томони очик радиал ёриқлар билан таъминланганлиги, чулғам секцияларининг кетма-кет-мос ҳолда уланганлиги, магнит ўтказгичдаги ҳар бир ҳалқали секторнинг ички ва ташқи деворлари қалинлиги нисбатининг  $(h_{i+1})/(h_i) = (l_{i+1})/(l_i)$  шарти асосида (бу ерда  $h_i$ ,  $h_{i+1}$ ,  $l_i$ ,  $l_{i+1}$  – магнит ўтказгичнинг мос ҳалқали секторлари қалинлиги ва ўртача узунлиги) бажарилганлиги туфайли янги МЭЎ нинг унинг прототиپига нисбатан габарит ўлчами кичраяди ва конструктив ясалиши соддалашади, ҳалқали магнит ўтказгичларни мос секторларга ажратиш натижасида эса маҳаллий кучларни алоҳида ўлчаш имконияти пайдо бўлиб, натижада МЭЎ функционал имкониятлари кенгаяди.

Чўзувчи куч МЭЎ да (2- расм) туташтирилмаган ҳалқалар ковакли қилиб бажарилганлиги ва ушбу ҳалқалар магнитловчи магнит оқимлар йўлида ҳалқалар ички ва ташқи участкаларининг магнит қаршиликлари тенглиги шартидан келиб чиқиб, ҳалқаларнинг ушбу участкалари кесимларининг геометрик ўлчамларини уларнинг ўртача чизиқларига нисбатан танланганлиги туфайли нол сигнал ва турли омиллар таъсирида магнит ўтказгич материалининг магнит хоссалари ўзгаришидан юзага келадиган ҳалақит


сигналлари истисно этилиб, натижада ўзгартиргичнинг прототипга нисбатан аниқлиги ошади.




**1-расм. Сиқувчи куч МЭЎ нинг конструктив схемаси:** 1-4 – ҳалқали магнит ўтказгичлар; 5-12 – туташтиргич; 13-20 – чулғам секциялари;  $h_i, h_{i+1}, l_i, l_{i+1}$  – ҳалқали секторларнинг қалинлиги ва ўртача узунлиги;  $\delta_1, \delta_2, \delta_3$  – ишчи бўлмаган ва ишчи тирқишлар



**2-расм. Чўзувчи кучлар МЭЎларининг конструктив схемаси:** 1 – магнит ўтказгич; 2 – тирқиш; 3 – тешиklar; 4 ва 5 – тўғри бурчакли кесимдаги туташтирилмаган ҳалқалар; 6,7 – туташтиргичлар; 8 – тирқишлар; 9,10 – ўлчаш чулғамлари; 11 – кўзгатиш чулғамлари;  $P$  – берилаётган куч;  $d$  – тешик диаметри.



**3-расм. Вибрация параметрларини ўлчашга мўлжалланган МЭЎ нинг конструктив схемаси:** 1 – асосий магнит эластик ўзақлар; 2 – номагнит ўзақлар; 3 – кўшимча ўзак; 4 – ўлчаш чулғамлари; 5 – доимий магнитлар;  $\leftarrow \text{---} \rightarrow$  – вибрация йўналиши



**4-расм. Айлиниш параметрларини ўлчашга мўлжалланган МЭЎ нинг конструктив схемаси:** 1 – вал; 2 – туташтиргич; 3,4 – стерженлар; 5,6 – ярим ҳалқалар; 7,8 – инерцион элементлар; 9,10 – кўзгатиш ва ўлчаш чулғамлари; 11 – контактлар; 12 – болтлар;  $U_k, E_{чик}$  – кўзгатиш кучланиши ва чиқиш ЭЮК

Вибрация параметрларини ўлчашга мўлжалланган МЭЎ да (3- расм) асосий ўзаклар тўрт бурчакли тўғри текис призма қирралари кўринишида жойлашганлиги, призма асосининг қирралари номагнит материалдан тайёрланган металл ўзаклар кўринишида бажарилганлиги, кўшимча ўзак призма асосларининг марказларини туташтирганлиги, иккитадан доимий магнитлар призма асосининг ҳар бир диагоналида мос жойлаштирилганлиги, вибрацияланадиган ўққа нисбатан перпендикуляр текисликда ётган, иккита асосий ўзакда жойлаштирилган иккита ёндош асосий ўлчаш чулғамлари ўзаро кетма-кет-мос уланганлиги, ушбу чулғамларнинг жуфтлари эса кетма-кет-қарама-қарши уланганлиги ва бунда кўшимча ўзакнинг туташтирилган учда кўшимча ҳалқали ўлчаш чулғами жойлаштирилганлиги туфайли иккита ўзаро перпендикуляр ўқлар бўйлаб вибрация параметрларини ўлчашни таъминлашга, иккита алоҳида мустақил ўлчаш чулғамидан чиқиш сигналларини олиш натижасида ўзгартиргичнинг функционал имкониятлари кенгайтиришига ва унинг сезгирлиги ошишига эришилган.

Айланиш параметрларини ўлчашга мўлжалланган МЭЎ да (4- расм) магнит ўтказгич туташтиргичининг ковакли қилиб бажарилганлиги ва унинг эркин ўрнатилганлиги ҳамда уни буриш имкониятининг мавжудлиги туфайли валда объектнинг дастлабки вертикал ҳолатидан исталган йўналишда бурчак силжишларини (эгилишларини) ўлчаш имкони пайдо бўлишига, ярим ўқ туташтиргичидан инерция элементларигача бўлган ораликни сақлаган ҳолда ҳалқаларнинг коаксиал жойлашуви натижасида ўзгартиргич ёрдамида назорат қилинаётган валнинг бурчак тезлиги ва бурчак тезлашишини ўлчаш имконияти пайдо бўлишига эришилган.

Ўзгармас кучланиш манбаи қурилмаси учта ўзагининг ҳар биридаги олтига иккиламчи чулғам магнит оқими ўзгармас бўлиб қоладиган феррорезонанс контурлари каби магнит ўтказгич ўзакларида жойлашганлиги туфайли фазаларнинг чиқиш кучланишларини барқарорлаштириш сифати яхшиланади, ўзакларнинг тўлиқ тизими эса сунъий 18-фазали тўғрилаш тизимига эга бўлиш имконини бериб, исталган вақт momentiда тўғриланган ток фақат битта диод бўйлаб оқиши боис тўғрилаш диодларидаги кучланиш йўқотишларини камайтириш ҳисобига тўғриланган барқарор кучланиш сифатини яхшилади.

Ўзгарувчан кучланиш манбаида МЭЎ нинг кўзғатиш занжирлари уланадиган иккиламчи чулғамлар магнит оқими ўзгармас бўлиб қоладиган феррорезонанс контурлари каби магнит ўтказгич ўзакларида жойлашганлиги туфайли фазаларнинг чиқиш кучланишларини барқарорлаштириш сифати яхшиланади, қурилманинг бирламчи занжири нол симга эга юлдузча схемаси ва учта чиқиш чулғамининг учбурчак схемаси бўйича уланиши юкланиш токидан учга каррали гармоникаларни истисно этиш имконини бериб, барқарорлаштирилган уч фазали кучланишда юқори гармоникалар даражасини камайтиришга хизмат қилади.

Диссертациянинг “**Механик катталиклар ўзгартиргичларида магнит эластик ўзгартиришни тадқиқ этиш**” номли учинчи бобида магнит эластик ўзгартириш, механик куч таъсирини ҳисобга олган ҳолда МЭЎларнинг сезгир элементи(СЭ) гистерезис магнит тавсифларининг математик моделлари ишлаб

чиқилган, шунингдек МКМЭЎларда магнит эластик ўзгартиришларнинг ўзига хос хусусиятлари тадқиқ этилган.

Исрофларсиз магнит эластик участканинг нисбий магнит ўтказувчанлигини  $\mu_{и.}$  ва магнит занжирнинг магнит эластик ва номагнит эластик магнит индукциялари ҳамда майдоннинг кучланганлик қийматлари асосида аниқлаш имконини берадиган қуйидаги аналитик тенглама ҳосил қилинди:

$$\mu_{и.} = \zeta_0 \{ (\mu_0 H) [ (\zeta_0 + 1) (B_{1m \text{ ўр.}0} / B_{1m \text{ ўр.}\sigma}) - 1 ] \}^{-1} B_{1m \text{ ўр.}0}, \quad (1)$$

бу ерда  $\zeta_0 = W_{\mu_{мэ}} / W_{\mu_{нмэ}}$ ;  $W_{\mu_{мэ}}$ ,  $W_{\mu_{нмэ}}$ ,  $B_{1m \text{ ўр.}0}$  – МЭЎнинг юкланмаган ҳолатида магнит эластик ва номагнит эластик участкаларининг магнит қаттиқлиги ва магнит индукцияси ўртача қиймати;  $B_{1m \text{ ўр.}\sigma}$ , – механик кучланиш остидаги МЭЎнинг магнит эластик участкаси магнит индукциясининг ўртача қиймати.

МЭЎ магнит тавсифининг чизиқли участкасида ишлаганда, магнит эластик участканинг нисбий магнит ўтказувчанлиги фақатгина битта параметр – механик кучлар функцияси эканлиги аниқланган. Бу ҳолат  $\mu_{и.} = f(U_M)$  боғлиқликларни  $\mu_{и.} = a_1 \pm a_2 U_M$ , (2) чизиқли функция кўринишида аппроксимациялаш имконини берган, бу ерда  $a_1, [-]$  ва  $a_2, [N^{-1}]$  – аппроксимация коэффициентлари;  $U_M$  – механик куч.

МКМЭЎлар СЭ га таъсир этувчи механик кучлар таъсирини ҳисобга олган ҳолда уларда қўлланиладиган магнит эластик материаллар гистерезис ҳалқаларининг қуйидаги математик моделлари ифодалари (аппроксимацияловчи функциялар) олинди:

$$J_{100}^* = \frac{th(M \mp M_c)}{1 + 2e^{-\tau} sch(M \mp M_c)} \pm 0,5 \Delta J_{100}^*, \quad (3)$$

$$J_{110}^* = \frac{(\sqrt{2})^{-1} th [ (\sqrt{2})^{-1} (M \mp M_c) ]}{1 + 2e^{-0,5\tau} sch [ (\sqrt{2})^{-1} M_{и\check{ч}} ]} \pm 0,5 \Delta J_{100}^*, \quad (4)$$

$$J_{111}^* = (\sqrt{3})^{-1} th [ (\sqrt{3})^{-1} (M \mp M_c) ] \pm 0,5 \Delta J_{100}^*, \quad (5)$$

$$\Delta J_{100}^* = \left[ \frac{th(M_{max} + M_c)}{1 + 2e^{-\tau} sch(M_{max} + M_c)} - \frac{th(M_{max} - M_c)}{1 + 2e^{-\tau} sch(M_{max} - M_c)} \right], \quad (6)$$

$$j^* = \xi \cdot J_{100}^* + \varsigma \cdot J_{110}^* + \varrho \cdot J_{111}^*, \quad (7)$$

бу ерда  $j^* = j/j_s, [-]$  – мос ҳолда магнитланганлик ва тўйиниш магнитланганлиги;  $J_{100}^*$ ,  $J_{110}^*$  ва  $J_{111}^*$  – асосий кристаллографик ўқлар  $[100]$ ,  $[110]$  ва  $[111]$  бўйича магнитланганликнинг нисбий қийматлари;  $M_c = (3\chi_0 H_c) / j_s, [T]$ ;  $H_c, [A \cdot m^{-1}]$  – коэрцитив куч;  $\chi_0 = dM/dH, [T \cdot A^{-1} \cdot m]$  –  $H = H_c$  бўлганда дифференциал магнит таъсирчанлик;  $H, H_{max}$  – МКМЭЎ кўзгатиш чулғамининг магнит майдони кучланганлиги ва унинг максимал қиймати;  $M_{и\check{ч}} = (3\chi_0 H_{вн}) / j_s$ ;  $H_{и\check{ч}} = H \mp H_c$ ;  $H_{и\check{ч}}$  – ички магнит майдон кучланганлиги;  $M_{max} = (3\chi_0 H_{max}) / j_s$ ;  $\tau = (9\chi_0 \lambda_{100} S U_M) / (2\mu_0 j_s), [-]$ ;  $\lambda_{100}, [-]$  – нисбий магнит стрикцион узайтириш;  $S, [m^2]$  – СЭ майдони бўлиб, унда механик куч

таъсир этади  $U_M$ ;  $\xi$ ,  $\zeta$  ва  $\rho$  – магнитланганлик таркибий қисмлари улушини баҳолайдиган коэффициентлар, бунда  $\xi + \zeta + \rho = 1$ .


Коэрцитив кучнинг чўзувчи кучларга боғлиқлигига оид қуйидаги аналитик ифода ҳосил қилинди:

$$H_c = [H_{c0} - M(1 - e^{-\eta U_M})](1 + \vartheta U_M), \quad (8)$$

бу ерда  $H_{c0}$  –  $U_M = 0$  бўлганда коэрцитив кучнинг қиймати;  $M, [-]$ ;  $\eta, [N^{-1}]$ ;  $\vartheta, [N^{-1}]$  – қийматлари МЭЎ СЭ материалнинг структура хусусиятлари билан аниқланадиган коэффициентлар.

Пермендюр қотишмаси 50КФ учун (7) ифодани ҳисобга олган ҳолда (7) ифода бўйича қурилган гистерезис ҳалқалари эгри чизиқларининг таҳлили (5- расм) МЭЎ СЭ га бериладиган механик куч ортиши билан текисликдаги гистерезис ҳалқаси жойлашувининг ўзгаришини, яъни соат милларига қарши томонга бурилишини,  $H_c$  қиймати эса  $U_M$  ортиши билан дастлаб камайишини (2-ҳалқа), кейин эса ортишини (3 ва 4-ҳалқалар) кўрсатди. Куч таъсири остида гистерезис ҳалқаси шаклининг ўзгариши билан магнитланиш асосий эгри чизиғининг шакли ҳам ўзгаради. Шу боис магнит эластик материаллар асосий магнитланиш эгри чизиқларини аппроксимациялашда ушбу ўзгаришни ўртача магнитланиш эгриси сифатида инобатга олиш тавсия этилади.

Ўтказилган экспериментал тадқиқотлар (6-расм) натижасида қуйидагилар аниқланди: 1) МЭЎ ўлчаш кучланиши ( $U_{изм.}$ ) нинг берилаётган куч ( $U_M$ )га




5-расм. Чўзувчи куч  $U_M$  остида гистерезис

ҳалқаси шаклининг ўзгариши:

1)  $U_M = 0$ ; 2) 50 N; 3) 100 N;

4) 200 N;  $M^* = \frac{M}{M_{max}}$



6-расм. Бўйлама (узлуксиз эгри чизиқлар) ва қўндаланг (пунктир эгри чизиқлар) МЭЎларда МКМЭЎ ларнинг магнит тизимлари ўлчов кучланиши ( $U_{ўл.}$ )нинг механик кучланиш ( $U_M$ ) га боғлиқлиги

боғлиқлик эгри чизиқлари чўзилишда максимумга эга, бунда сиқилиш сезгирлиги ( $S_c = [\Delta U_{ўл.с.} / \Delta U_{M.с.}]|_{U_M \rightarrow 0}$ ) чўзилиш сезгирлигидан ( $S_{ч.} = [\Delta U_{ўл.ч.} / \Delta U_{M.ч.}]|_{U_M \rightarrow 0}$ ) каттароқ бўлади, бу ерда  $\Delta U_{ўл.с.}$ ,  $\Delta U_{ўл.ч.}$ ,  $\Delta U_{M.с.}$  ва

$\Delta U_{\text{м.ч.}} - U_{\text{м}} = 0$  нуктаси олдида мос равишда сиқилиш (с) ва чўзилиш (ч) кучлари учун аниқланган ўлчаш кучланиши ва юкланишининг орттирмаси; 2) чўзувчи юкланишларда кўзғатиш токининг ортиши билан  $U_{\text{ўл.}} = f(U_{\text{м}})$  функцияси максимумининг кичик юкланишлар томонга силжиши яққол намоён бўлади; 3) кўндаланг магнит эластик ўзгартириш шароитида  $U_{\text{ўл.}} = f(U_{\text{м}})$  функциясининг эгри чизиқлари бўйлама магнит эластик ўзгартиришдаги эгри чизиқларга сифат жиҳатидан ўхшаш бўлади, айнан, сиқилишда нисбий магнит ўтказувчанлик қиймати камаяди, чўзилишда эса кўпаяди; 4) МЭЎ СЭ нинг нисбий магнит ўтказувчанлиги кўндаланг магнит эластик ўзгартиришда бўйлама магнит эластик ўзгартиришга нисбатан анча кичик бўлади.

Диссертациянинг **“Механик катталиклар магнит эластик ўзгартиргичларининг математик моделлари”** номли тўртинчи бобида МКМЭЎ магнит занжирларининг ўзига хос хусусиятлари кўриб чиқилган, узун ўзакларнинг магнит қаршиликлари ва улар орасидаги магнит сиғимнинг тақсимланганлигини ҳисобга олган ҳолда ҳамда чекланган узунликдаги кўзғатиш чулғамларининг тақсимланганлигини ҳисобга олган ва олмаган ҳолда МКМЭЎ ларининг математик моделлари ишлаб чиқилган.

Аксарият МКМЭЎларнинг магнит занжирлари тақсимланган параметрларга эга занжирлар қаторига кириши аниқланди, уларга узун ферромагнит ўзаклар магнит қаршиликлари ( $Z_{\mu\text{п}}$ ), ушбу ўзаклар орасидаги тирқишларнинг магнит сиғимлари ( $C_{\mu\text{п}}$ ), магнит занжирнинг узунлик (бурчак) бирлигига тўғри келадиган бўйлама ( $f_{Z_{\mu}}$ ) ва (ёки) кўндаланг ( $f_{C_{\mu}}$ ) магнитловчи кучларининг погон (солиштирма) қийматлари каби параметрлар хос. Шунингдек, амалиётда  $Z_{\mu\text{п}}$ ,  $C_{\mu\text{п}}$  ва  $f_{Z_{\mu}}$  ёки  $Z_{\mu\text{п}}$ ,  $C_{\mu\text{п}}$  ва  $f_{C_{\mu}}$  каби параметрларга эга МКМЭЎлар кўпроқ учраб туриши ҳам аниқланди.

МКМЭЎларнинг магнит занжирларини таҳлил қилишда ушбу магнит занжирлар учун рухсат этилган қуйидаги чекловлар қабул қилинди: 1) магнит эластик материал тавсифларининг ночизиқлиги эътиборга олинмайди, яъни магнит занжир чизиқли, деб қабул қилинади; 2) магнит ўтказгичларнинг учлари ва ён қирраларидаги сочилган магнит оқимлари эътиборга олинмайди; 3) ферромагнит ўзаклар, хусусан коаксиал ёки ўқдош (бир ўқда) жойлашган магнит эластик магнит ўтказгичлар орасидаги ҳаво тирқишида магнит майдон ясси параллел деб қабул қилинган; 4) кўриб чиқиладиган координата бўйича занжирнинг  $Z_{\mu\text{п}}$ ,  $C_{\mu\text{п}}$ ,  $f_{Z_{\mu}}$  ва  $f_{C_{\mu}}$  параметрлари погон қийматлари ўзгармас; 5) ферромагнит ўзаклар ва кўзғатиш чулғамлари, жумладан ўқдош жойлашган ҳалқали магнит ўтказгичлар ўзаро бир хил. МКМЭЎ магнит занжирларини тадқиқ этишда тарқоқ параметрларга эга занжирларни ҳисоблашнинг энг қулай ва аниқ усули сифатида дифференциал тенгламаларни тузиш ва ечишнинг классик усулидан фойдаланилган.


Узун ферромагнит ўзакларнинг тақсимланган магнит қаршиликлари, улар орасидаги оралиқнинг магнит сиғими ҳамда битта узун ўзак ёки иккала узун ўзак ўртасида жойлашган йиғиқ бўйлама кўзғатиш чулғамига эга МКМЭЎ магнит занжирларининг магнит кучланиши ( $U_{\mu\text{х}}$ ) ва магнит оқими ( $Q_{\mu\text{х}}$ ) учун

дифференциал тенгламалар тузилган ва ечимлари тақдим этилган ҳамда куйидаги ифодалар олинган (7- расм, а):

$$\dot{U}_{\mu x_1^*} = \frac{\dot{F}_K}{2\Delta_1^*} \left[ sh \left[ \underline{\beta}(1 - x_1^*) \right] + \underline{\beta} \underline{k}_1 ch \left[ \underline{\beta}(1 - x_1^*) \right] \right], \quad (9)$$

$$\dot{Q}_{\mu x_1^*} = \frac{\underline{\beta} \dot{F}_K}{2\underline{Z}_{\mu\Pi} X_M \Delta_1^*} \left[ ch \left[ \underline{\beta}(1 - x_1^*) \right] + \underline{\beta} \underline{k}_1 sh \left[ \underline{\beta}(1 - x_1^*) \right] \right], \quad (10)$$

бу ерда  $\dot{F}_K$  – кўзғатиш чулғамининг магнит юритувчи кучи (МЮК), [А];  $\Delta_1^* = sh \underline{\beta} + \underline{\beta} \underline{k}_1 ch \underline{\beta}$ , [-];  $\underline{\beta} = \underline{\gamma} X_M$ , [-];  $k_1 = \underline{Z}_{\mu T} / (2\underline{Z}_{\mu\Pi} X_M)$ , [-];  $\underline{\gamma} = \sqrt{2\underline{Z}_{\mu\Pi} C_{\mu\Pi}}$ , [ $m^{-1}$ ] – магнит занжирда магнит майдоннинг мос ҳолда сўниш ва тарқалиш коэффициентлари;  $\underline{Z}_{\mu\Pi}$ , [Н] – магнит ўтказгич чет қисмининг магнит қаршилиги;  $\underline{Z}_{\mu T}$ , [ $H^{-1} \cdot m^{-1}$ ];  $C_{\mu\Pi}$ , [ $H \cdot m^{-1}$ ] – магнит занжир узунлигининг бирлигига тўғри келадиган узун ферромагнит ўзакларнинг магнит қаршиликлари ва улар орасидаги тирқиш магнит сифимининг погон қийматлари;  $x_1^* = x_1 / X_M$ ;  $x_2^* = x_2 / X_M$  – нисбий бирликлардаги координаталар;  $X_M$ , [m] – ўзакларнинг ярим узунлиги. Координата индексларидаги 1(2) белгиси мос ҳолдаги ифоданинг  $x_1^*$  ва  $x_2^*$  координаталарига эга участкалар учун тўғри келишини аниқлатади.



